Бугунги сонда ўқинг:

Паркент асали – ЭКСПОРТГА 2



ҚОПҚОҚ ТАГИДАГИ ОҒУ 3




ҚЎЗҒОЛОН НАВБАТИ ҚАЙНОНАЛАРГАМИ? 4




ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2021 йил
27 февраль
ШАНБА
№ 17 (13370)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган


**Нурафшон мамлакатда шаҳарсозлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда. Бу ердаги шарт-шароит, ижтимоий соҳа объектлари Тошкентдагидан кам бўлмаслиги, аксинча, рақобатлашадиган бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ҳар бир лойиҳани пухта ишлаш, узоқни кўзлаб иш тутиш керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**









## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

# НУРАФШОН – КЕЛАЖАК ШАҲРИ

***Нурафшон – келажак шаҳри. Бугун бу ерда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қай бир маҳалласи ва гўшасига борманг, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига гувоҳ бўласиз.***

***Бинобарин, қайси соҳани олманг, фидойи, меҳнатсевар замондошларимиз азму шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, равнақ топмоқда.***

### Биринчи "ақлли" шаҳарча

Шу кунларда Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳрининг иқтисодий ривожида тарихий янгиланиш жараёнлари кечмоқдаки, бу ислоҳотлар ободлик ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилаётир. Нурафшон 2017 йилдан буён Тошкент вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланади. Шаҳарнинг бош режаси "ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК томонидан 2018 йилда ишлаб чиқилган.


**(Давоми 2-саҳифада)**


## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ



**ВИЛОЯТ** ҳокимининг ўринбосари Жамшид Абдусаломов, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Амани Элетер, "Фармсаноат" агентлиги вакиллари ҳамда "Solyphar" компаниясининг хорижий ҳамкорлари иштирок этган учрашувда янги инвестиция лойиҳасининг ташкилий ишлари муҳокама этилиб, уч томонлама келишув имзоланди.

Келишувга кўра, компания томонидан Тошкент вилоятида фаолият юритаётган "Бўстонлиқ-фарм" зонасида умумий қиймати 20 млн. АҚШ долларига тенг фармацевтика заводи бунёд этилади.



**ВИЛОЯТ**да ер майдонлари ва бино-иншоотларни ялпи хатловдан ўтказиш бошланди.

Асосий мақсад вилоятдаги 22 та туман ва шаҳардаги мавжуд ер майдонлари ҳамда бино-иншоотларни ялпи хатловдан ўтказиш, натижаларини миллий геоахборот тизимига киритишдан иборат.

**НУРАФШОН шаҳри**да ўсмирлар ўртасида спортнинг "Street workout" тури бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

"Ёшлар ҳафталиги" доирасида ўтказилган мусобақада пешқадамлик олмалиқлик ёшларга насиб қилди.

**ЯНГИЙЎЛ тумани**да қишлоқ хўжалигида ёшлар бандлиги ва уларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими изчил жорий этиляпти.

Туманда 1 минг 131 нафар деҳқончилик қилишга қизиққан ёшлар рўйхатга олинган бўлиб, ҳозиргача уларнинг 696 нафарига 180 гектардан зиёд ер майдони ажратилди.

**БЎСТОНЛИҚ тумани**да "Келажак учун бир ниҳол" акцияси бўлиб ўтди.

Акция доирасида 300 нафардан зиёд ёшлар мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиб, ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилаш учун ўз ҳиссаларини қўшишди.



**ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани** ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан жами 53 нафар банд бўлмаган ёшларга фермер хўжаликларининг экин ерларини ажратиб бериш жараёнлари бошланди.

Шунингдек, йигит-қизларга соҳа мутахассислари томонидан деҳқончилик қилиш бўйича зарур тавсиялар берилди. Айниқса, "VakMak" корхонаси раҳбарларининг уруғлик етказиб бериш ва ҳосилни сотиб олиш таклифи ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

## Жараён

**Ҳақиқат эгилади, букилади, бироқ синмайди, деб бежизга айтишмайди. Тахминий фаразлар, телба-тескари, қарама-қарши гувоҳликлар билан судда шахсни айблаб бўлмайди. Навбатдаги суд мажлисида илгари судланган шахснинг аслида айби йўқ эканлиги маълум бўлди.**

# АЙБСИЗ "АЙБДОР" ОҚЛАНДИ



Судланган Б. Шоматовга ўзини айбсиз, деб билишида етарли асослар бор экан. Маълум бўлишича, у Тошкент вилоятининг Пискент тумани ИИБга қарашли ЁХБ бошлиғи лавозимида 2009 йилнинг апрель ойида иш бошлаган. Бу лавозимда тўрт йил ишлагандан кейин унинг бошида қора булутлар айланади. Ҳамма воқеа Б. Шоматов "Тошкентпахтасаноат" ХАБнинг 2013 йил 6 майдаги "Тайёрлов масканларини 2013 йил пахта ҳосилини қабул қилишга тайёргарлигини кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги тегишли буйруғига асосан "Пискент пахта тозалаш заводи" ОАЖга қарашли "Муротали" ва "Керовчи" тайёрлов масканида капитал таъмирлаш ишларининг бажарилиши жараёнида ёнғин хавфсизлиги талабларига қанчалик амал қилинганини текшириб қабул қилиш бўйича ишчи гуруҳ аъзоси бўлганидан кейин бошланди.


3


# Оҳангарон қандолатлари



**Тадбиркор Мадамин Каримов мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, Оҳангарон шаҳридаги "Ёшлик" маҳалласида "Оҳангарон қандолат" оилавий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди.**

## Кичик бизнес



Бугунги кунда 36 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган мазкур корхонада халқимиз дастурхони учун турли хилдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 1 млн. 200 минг сўмни ташкил этади.

Корхонада Туркиядан келтирилган ускуналар ёрдамида кунига 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, маҳаллий бозорларга тарқатилмоқда. Шунингдек, маҳсулотни қўшни давлатларга экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилди.

*Суннат САПАРАЛИЕВ олган суратлар*

## Тайинлов

### Таниқли тележурналист вилоят ҳокимига маслаҳатчи бўлди

**Тошкент вилояти ҳокимининг Ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасида таниқли тележурналист Хамза Жумаев иш бошлади. У бир вақтнинг ўзида вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматига ҳам раҳбарлик қилади.**



Х. Жумаев 1980 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Қарийб 20 йилдан буён телевидение соҳасида меҳнат қилиб келаётган ижодкор ўзининг ўнлаб долзарб телелойиҳалари билан шуҳрат топган.

Ҳамкасбимизга мазкур масъулиятли вазифада муваффақиятлар тилаймиз.

## Ангрен шаҳри масъуллари эътиборига!

# Кўзгудаги чанглар

**Умримнинг 33 йили кутубхона билан чамбарчас боғлиқ. Шундай пайтлар ҳам бўлдики, кутубхоначилар эътибордан четда қолиб кетди. Арзимаган маош эвазига ишлаб юрган кунларимиз бўлди. Ўша кунларда яхшигина маошли ишга таклифлар тушди. Лекин бормадим. Ёруғ кунлар келишини сабр билан кутдим. Мен китоблар орқали ўзлигимни англадим, жамиятда ўз ўрнимга эга бўлдим. Китоблар орқали одамлар кўнгил харитасини ўргандим.**

Мана, кутилган кунлар ҳам етиб келди. Кутубхонашунослик соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар нуфузини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида "Ахборот кутубхона аълочиси" кўкрак нишони таъсис этилди. 21 май – Ўзбекистон ахборот кутубхона ходимлари куни сифатида белгиланди. Ходимлар ойлик маошлари оширилиб, кутубхоналар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди.

Ана шу ислоҳотлар натижасида Ангрен шаҳрида ҳам ахборот кутубхона маркази ташкил этилди. Марказимиз фонди 80 мингдан зиёд турли китоблардан иборат. Шундан 38 мингги бадиий, қолган қисми соҳалар бўйича адабиётларни ташкил қилади. Биргина болалар учун мўлжалланган китобларимизнинг ўзи 10 мингдан ошади. Мавжуд китобларнинг 70 фоизи рус тилида. Крилл ва лотин алифбосидаги китоблар эса 30 фоиз.

Китобхонлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганишимиз натижасида, ўзбек тилидаги адабиётларга эҳтиёж 70 фоизни кўрсатди. Ҳозирда ўзбек тилидаги янги ва яхши китоблар сонини кўпайтириш ҳаракатидамиз.

Очиғи, ўн минглаб китобни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва ўқувчилар эътиборига ҳавола қилиш осон эмас. Бунинг учун марказимизда 15 нафар мутахассис ходим фаолият юритмоқда.


**(Давоми 4-саҳифада)**

– Тўлиқ ақлли технологияларга асосланадиган ушбу шаҳар уч босқичда барпо этилмоқда, – дейди Нурафшон шаҳри бош архитектори Хайрулла Хўжамқулов. – Давлатимиз раҳбари тавсиясига кўра, биринчи босқичда жами 1 минг 792 квартирали тўққиз ва ўн икки қаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилган. 360 ўринли боғча, 1 минг 200 ўринли мактаб, маданий-маиший объектлар, дам олиш ҳудудлари тезкорлик билан қурилмоқда. Шаҳарнинг марказий Тошкент йўли кўчаси ҳам янгидан барпо этилди. Кўча бўйидаги бир қаватли эски иморатлар ўрнида етти ҳамда саккиз қаватли уйлар, сервис шахобчалари, саломатлик марказлари, гипермаркетлар қурилиши жадаллаштирилмоқда. Ҳар бир бино олдида автомобиль тўхташ жойи бўлиши кўзда тутилган. Тўрт йўлакли магистрал автомобиль йўли билан бирга ички йўл ҳам қуриляпти. Велосипед ва пиёдалар йўлакчаларига жой ажратилган. Ирригация тармоқлари учун янги турдаги ёпиқ лотоклар ўрнатилиб, кўча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда. Шаҳримизда “smart city” (“ақлли шаҳарча”) жорий йилда сингапурлик инвесторлар томонидан қурилиши келишиб олинган. Лойиҳалаш жорий йилнинг биринчи чорагида якунланиши билан қурилиш ишлари бошлаб юборилади. Лўнда қилиб айтганда, гўзал бир шаҳар бунёд бўлмоқда.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

# НУРАФШОН – КЕЛАЖАК ШАҲРИ

**“Тошкент йўли кўчаси бўйлаб биноларни жойлаштириш таклиф лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳада йўл ўқидан 54 метр масофада қурилиш чизиғи бўйлаб 172 та объект жойлаштирилган. 2020 йилда 14 та объект фойдаланишга топширилди. Ишлаб чиқариш ҳудудида яна 14 та объектда қурилиш ишлари давом этмоқда.”**



**Факт ва рақамлар:**

***Нурафшон шаҳри спортнинг таэквандо, бокс ва футбол турларига ихтисослашган марказ этиб белгиланди. Шаҳарда 26 та мактабгача таълим муассасаси, 14 та таълим муассасаси, 1 та “Баркамол авлод” болалар мактаби, 3 та давлат даволаш профилактика муассасаси, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2 та маданият маркази мавжуд. Ўтган йили шаҳардаги 13 та умумтаълим мактабига оптик толали интернет ўтказилди, 7 тасига компьютер синфи учун янги замонавий компьютерлар ажратилди. 5 та мактаб синф хоналарига ўқув жиҳозлари олиб берилди.***

Дарҳақиқат, ушбу ҳудудда умумий қиймати 782 миллиард 500 миллион сўмлик 41 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Ўзбекистондаги илк “smart city” қурилиши учун Тошкент йўли кўчасида 213 та объект бузилиб, жой эгаларига маҳаллий бюджет ҳисобидан 24 миллиард сўм товон пули тўлаб берилди. Шаҳарнинг марказий кўчасида 172 та бино ва иншоот барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 78 та объектда қурилиш кетяпти. Ушбу объектларда канализация тизими, ичимлик сув, газ ва электр энергияси тизими бутунлай янгиланмоқда. Канализация ва ичимлик сув тизими учун ҳукуматимиз томонидан 141 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, 4 минг куб. сувни тозалайдиган иншоот қурилади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Нурафшон шаҳрини юртимиздаги илк “ақлли шаҳар”га айлантиришга оид концепцияга мувофиқ, кентда маъмурий бинолар, замонавий тураржойлар, бизнес марказлар, меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, ёшлар ижодиёт марказлари, кутубхоналар, мактаблар, кўп тармоқли шифохоналар бунёд этилмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари, истироҳат боғлари, яшил майдонлар, пиёдалар ва велосипедчилар учун хиёбонлар, йўллар қуриляпти. Умумий майдони 217 гектардан иборат бўлган Тўйтепа шаҳарчаси ўрнида вужудга келган Нурафшон шаҳрининг жами майдони бугунги кунда қарийб 16 баравар кенгайди. “Ақлли шаҳар” (smart city) томон борар эканмиз, йўлда тўхтаб, янги қуриб битказилган тураржойларни ҳам бирров кўздан кечиришни унутмадик.




Етти қаватли уй “Саноатқурилишбанк”нинг Тошкент вилояти минтақавий филиали ходимлари учун қурилган. 72 та хонадондан иборат мазкур тураржой биноси замонавий архитектура ечимлари асосида бунёд этилган. Бинонинг иситиш тизими энг замонавий стандартлардан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган бўлиб, энергияни максимал даражада тежайди. Нурафшоннинг Бобур ва Тошкент йўли кўчалари бўйлаб юрар эканмиз, ҳали бузилмаган эски уйларни янги қурилаётган уйлар билан солиштириш имкони туғилди.

Эҳ-ҳе, тафовут жуда ҳам катта. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, томлари эскириб, деворлари нураб кетаётган эски уйлар қаёқда-ю, етти қаватли, улуғвор ва муҳташамлиги билан ажралиб турадиган замонавий бинолар қаёқда. Қурилаётган иншоотлар бекаму кўст битса, Нурафшон юртимизнинг энг нурафшон ва обод шаҳарларидан бири бўлиши, шубҳасиз. Шаҳар бўйлаб юрар эканмиз, мовий ойналари товланиб турган кўркам бино эътиборимизни тортди. Бу бино – Ёшлар маркази. Нурафшоннинг келажаги буюк, истиқболи порлоқ ёшлари учун ҳавас қилса арзийдиган муносиб бир иншоот барпо этилибди.

### Истиқболли лойиҳалар

– Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларга биноан, шаҳардаги ичимлик сув тизимини яхшилаш мақсадида “Наврўз” ва “Эвалак” маҳаллаларида 2 та вертикал насос станцияси қурилди, – дейди шаҳар ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Шерзод Усмонов. – “Қумариқ”, “Деҳқонобод” ва “Оппоқ” маҳаллаларидаги 2 та насос ҳам таъмирланди. Янгидан 25 километр ичимлик сув қувурлари тортилди. Шаҳар электр таъминоти тизимида 47,5 километр электр узатиш тармоқлари мукаммал, 60,3 километр тармоқлар жорий, 11 та трансформатор пункти мукаммал, 26 таси жорий таъмирланди. Йўлларга тунги ёритгичлар ўрнатилди. Жорий йилда “Нурафшон”, “Обод турмуш” маҳаллаларида пиёдалар йўлакларини таъмирлаш, қуёшдан қувват олувчи нур диодли ёритиш ускуналари ўрнатиш режалаштирилган. “Обод маҳалла” дастури доирасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Пандемия туфайли жорий йилда ушбу дастур молиялаштирилмаган бўлса-да, “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК томонидан маҳаллий бюджетнинг 1,3 миллиард сўм маблағи ҳисобидан шаҳарнинг 3,1 километр ички кўчаларини асфальт қилиш белгиланган. Жумладан, 797 миллион сўм маблағ ҳисобига 2,6 километр узунликдаги 5 та ички йўл жорий таъмирланади.

Шаҳардаги бунёдкорлик жараёнлари, аҳолига яратилаётган қулайликлар, амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканмиз, мазкур маскан тобора улуғворлик касб этаётганига, иқтисодиёт тармоқларининг эса жаҳон андозаларига мос тарзда изчиллик билан ривожланаётганига яна бир бор амин бўлдик.

Агар бу истиқболли лойиҳалар тўлиқ қуриб битказилса, Нурафшон ўз номига муносиб нурлар таратувчи, гўзаллик улашувчи обод ва гўзал ҳудуд бўлиши, шубҳасиздир.

Тирбандликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг кириш қисмидан “Smart city” марказига борадиган янги 4 километрлик кўча қурилиши жараёнлари билан танишдик. Кўчада 9 та банкнинг бинолари ҳам бунёд этилди. Бир-икки йил мобайнида 96 та ана шундай иншоот қурилади. Ҳозирги кунда етти қаватли 14 та тураржой биноси, Адлия, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари, Ёшлар маркази, “Қишлоққурилишбанк” ва “Ҳамкорбанк” каби кўплаб ташкилотларнинг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Кўчадаги автомобиль қатновига қулайлик яратиш мақсадида асосий йўл кенгайтирилмоқда. Ўз навбатида, бузилишга тушган, эскирган хонадонлар бузилиши муносабати билан аҳолига шаҳарнинг бошқа ҳудудидан жой ажратилган. Бу жараёнлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

### Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 8 февраль куни Нурафшон шаҳрида “Оила мактаби” биноси очилди.

– Бу маскан келажакда нурафшонликларнинг оила маънавияти ва тарбияси соҳасидаги билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди “Дегантепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳадича Саматова. – Турмуш қуришга шайланаётган йигит-қизларга одоб-ахлоққа доир қоидаларни тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасига таяниш маънавий-руҳий муносабатларимизда ҳам катта ўрин тутади.

Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада, юртда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади.

Маҳалла, юрт мустаҳкам бўлса, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ҳа, Нурафшон – келажак шаҳри. Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун бу ерда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қай бир маҳалласи ва гўшасига борманг, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига гувоҳ бўласиз. Бинобарин, қайси соҳани олманг, фидойи, меҳнатсевар замондошларимиз азму шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, равнақ топмоқда.

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА**

*(“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 26 февраль сонидан олинди)*

---

**Халқ билан мулоқот**

**Хабарингиз бор вилоят бўйича аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга жойида ечим топиш мақсадида мутасаддилар томонидан “маҳаллабай" тизими асосида иш олиб борилмоқда.**

# ЖОЙЛАРДАГИ ҲОЛАТ ВА МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ



**Хусусан, БЎСТОНЛИҚ тумани ҳокими Ж. Аҳмедов “Бурчмулла” ва “Яккатут” маҳаллаларида аҳолининг яшаш шароитини ўрганди.**

Дастлаб, туман ҳокими томонидан “Бурчмулла” маҳалласида анча йиллардан буён чиқинди йиғиш майдони сифатида фойдаланилаётган ҳудудни ободонлаштириш хусусида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди. Шундан сўнг техникаларни сафарбар қилган ҳолда белгиланган ҳудудда рекультивация ишлари олиб борилди.

“Яккатут” маҳалласида “маҳаллабай” ишлаш тизими ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш масаласида маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари билан учрашув ўтказилди. Унда ҳудуддаги ободонлаштириш ишлари, коммунал муаммолар билан боғлиқ мурожаатлар алоҳида эътиборга олиниб, масъуллар зиммасига зарур вазифалар юкланди.

Бундан ташқари, туман ҳокими бир гуруҳ мутасадди ташкилот вакиллари билан биргаликда ҳудудда қайта таъмирланаётган 21-сонли мактабгача таълим ташкилотининг қурилишини кўздан кечирди. Шунингдек, туман ҳокими ҳудуддаги аҳолининг мурожаатларини ўрганар экан, энг аввало, ички йўлларни таъмирлаш лозимлигини таъкидлади. Бу масала юзасидан туман ободонлаштириш бошқармаси ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига муҳим вазифалар берилди.



**ОҚҚЎРҒОН туманида ҳам мутасаддилар томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш, бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Хусусан, Қишлоқ хўжалик вазирлиги бош бошқарма бошлиғи Д. Маматқулов, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Шинтемировлар бошчилигида ташкилотлар раҳбарлари ва банк масъуллари иштирокида "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғинида ўрганишлар олиб борилди. Ўрганишлар натижасида аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, хусусан, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан "маҳаллабай" иш тизими ташкил этилди. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар билан суҳбатлашиб, муаммолари тингланди.

Пировардида М. Оқбўтаева, Ю. Тошпўлатов, Ш. Йўлдошевлар хонадонида субсидия асосида аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази туман бўлими томонидан иссиқхона қуриб бериладиган бўлди. Фуқаро Э. Исмоилов қурилиш ташкилотига ишга жойлаштирилди ва М. Абдугаппаровга эса касбга тайёрлаш курсига йўлланма берилди.

**ЯНГИЙЎЛ шаҳар** ҳокими Ф. Мирзаев Регистон кўчаси, “Куркулдак” канали устидан ўтган кўприкни реконструкция қилиш жараёни билан танишди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 октябрдаги йиғилиш баёнида шаҳарнинг Регистон ва Ниёзбош кўчаларини бир-бирига боғловчи кўприк қуриш, “Куркулдак” канали устидан ўтган кўприкни ҳам биргаликда реконструкция қилиш белгиланган эди. Шунингдек, тегишли ҳужжатлар асосида шаҳар ҳудудидан ўтувчи жами 3,7 километр узунликдаги автомобиль йўлини мукаммал таъмирлаш лозимлиги таъкидланди.



Айни пайтда пудратчи ташкилотлар томонидан бунёдкорлик ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Шаҳар ҳокими ўрганишлар давомида масъулларга қурилиш сифатига алоҳида эътибор қаратиш, белгиланган муддатда якунлаш борасида топшириқлар берди.

**Абдулазиз МУСАЕВ, ЎзА**

---

# Солиқчи – аҳолига кўмакчи

**Имконият**

**Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан камбағалликни қисқартириш, одамларни иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда, дея хабар бермоқда ЎзА. Хусусан, жорий йилда вилоятда 4-сектор раҳбари томонидан “Темир дафтар”га киритилган 2 мингдан ортиқ оила камбағалликдан чиқарилади. Шу мақсадда барча туман ва шаҳарларда ишсиз қолган, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини номма-ном аниқланиб, шакллантирилган рўйхатлар асосида уларга манзилли кўмаклар берилмоқда.**



– Ҳудудда “Давлат солиқ хизмати органи ходимлари солиқ тўловчига кўмакчи”, деган янги иш принципи жорий этилди, – дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Равшан Раимов. – Биз бу борада кам таъминланган оилалар тадбиркорлигини йўлга қўйиш, бандлигини таъминлаш ва шу орқали даромадини ошириш мақсадида кўприк вазифасини ўтаяпмиз.

Айтиш керакки, 4-сектор ишчи гуруҳи томонидан жойларда кам таъминланган, камбағал, ёш оилалар, хориждан қайтган меҳнат мигрантлари ва ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш ҳамда томорқа хўжаликларидан самарали фойдаланиш орқали даромад манбаларига эга бўлишларига яқиндан ёрдам берилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда мунтазам сайёр қабуллар ўтказилиб, унда аҳоли мурожаатларига ечим топилмоқда.

– Яқинда маҳалламизда ўтказилган сайёр қабулда моддий ёрдам сўраб мурожаат қилгандим, – дейди Бўка тумани “Самарқанд” маҳалласида яшовчи Ҳошим Эшматов. – Оиламизга соғин сигир берилди. Болаларимнинг оғзи оққа тегиб, рўзғоримизга барака кирди. Энди шу кўмакдан фойдаланиб, ўзимизни тиклаб олишга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, Янгийўл тумани “Деҳқонобод” маҳалласида яшовчи Насиба Аҳмедованинг ҳам оилавий аҳволи ўрганилиб, унга тикув машинаси берилди. Энди у тикувчилик орқасидан кунига 50 минг сўмдан ошириб даромад топмоқда.

---

**Яхши хабар**



**Халқимиз, асаларини етти хазинанинг бири, дейди. Ҳақиқатан ҳам, бу митти ҳашаротнинг фойдаси жуда катта. Ҳозир вилоятимизнинг барча ҳудудларидаги хонадонларда асаларичилик анча оммалашган.**

# Паркент асали – ЭКСПОРТГА

Биргина Паркент туманининг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида туманда кўплаб келишувларга эришилмоқда. Жумладан, республика ҳудудида жуда кам миқдорда экспортга йўналтириладиган асалари оилалари ва уялари етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркор билан туманда йирик салоҳиятга эга экспортёр “Паркент Зиё Нур томорқа” корхонаси раҳбари Хайрулла Юнусов ўртасида келишувга эришилди.

Жорий йилнинг март-апрель ойларидан бошлаб, асалари оилалари ва уялари экспортга йўналтирилиши кутилмоқда.

Бугунги кунда туман бўйича 2 минг 403 та асалари оиласи томорқ хўжаликларида мавжуд. 2020 йилда 104 тонна асал ишлаб чиқарилган бўлиб, асал олиш 149,4 фоизга ўсган. Асаларичилик йўналишида туманда 5 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлиб, уларда 980 та асалари оиласи парвариш қилинмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

Саломат бўлинг!

**Қиш охири ва эрта баҳорда аҳоли ўртасида хонадон шароитида тайёрланган, сифати кафолатланмаган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида овқатдан заҳарланиш – ботулизм касаллиги кўпаяди.**

# ҚОПҚОҚ ТАГИДАГИ ОҒУ




Бунинг сабаби оддий – уй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрлашда зарур технологик жараёнлар, санитария меъёрларига тўла риоя қилинмайди. Натижада, консервадаги ботулизм споралари тез ривожланади ва заҳарли токсинлар чиқаради.

Ботулизм споралари билан зарарланган консерва маҳсулотларининг ташқи кўриниши ва таъмида деярли ўзгариш кузатилмайди. Айрим ҳолатларда шиша идишнинг тунука қопқоғи шишади. Бундай маҳсулотни истеъмол қилиб, заҳарланган одамда унинг белгилари пайдо бўлиш жараёни икки соатдан 8-10 кунгача чўзилади. Ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиш, қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, жисмлар кўзига иккита бўлиб кўриниши (диплопия), ютиш ва гапириш қобилияти пасайиши, бўйин ва оёқ мушаклари заифлашиши касалликнинг клиник белгиларидир.

Касалликни хонадон шароитида ўз билганича даволаш қатъиян ман этилади. Шундай вазият кузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Акс ҳолда, касалликнинг оғир шакллари – юрак, қон-томир ва нафас тизими хасталиклари юзага келиши, бунинг натижасида беморнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

Ботулизмнинг олдини олиш ўз қўлимизда. Биринчи навбатда, уй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрлаш тавсия этилмайди. Сабаби, зарур технологик жараёнлар, яъни консерва заводларидаги каби юқори босим остида, 120-125 градус иссиқликда ўтказиладиган стерилизация жараёнини уй шароитида бажариб бўлмайди. Айнан шундай сифат сертификати, тегишли ёрлиқлари бўлмаган консерва маҳсулотларини бозорлар, кўча-кўйда, ноқонуний савдо расталаридан харид қилмаслик керак.

Шунингдек, консерва банкасини қопқоғи кўтарилган, очилиб кетган, таркибий тиниқлиги бузилган бўлса, бундай маҳсулотни истеъмол қилмаслик керак.

Вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси мутахассислари тегишли давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда бозорларда, савдо мажмуалари ва белгиланмаган жойларда бундай маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мунтазам рейдлар ўтказиб келишмоқда.

Ўз навбатида, махсус лицензияга эга ишлаб чиқарувчиларимиз ҳам халқимиз дастурхонига хилма-хил маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида, кенг қамровли ишларни амалга оширишмоқда. Хусусан, гипермаркет, супермаркет ва минимаркетлар, бозорларда саноат усулида, технологик жараёнлар ҳамда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотларининг барча турлари мавжуд. Уларни сақлаш шароитига ҳам тўла риоя этилади. Фуқароларимизга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, сифати ва мувофиқлик сертификати кафолатланган маҳсулотлар сотиб олиб, истеъмол қилишни тавсия этамиз.

Мухтасар айтганда, ҳар ким ўзи ва оила аъзоларининг соғлиғи учун масъул эканини унутмаслиги керак.

**З. ҚОРАБОЕВ,**
**вилоят Санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси овқатланиш гигиенаси бўлими мудири**

---

**Табиатнинг ишлари ажойиб. Куни кеча ўлкамизда кезиб юрган баҳор ҳавосидан бугун асар ҳам қолгани йўқ. Ҳаммаёқ бир кечада оппоқ қорга бурканди. Ҳарорат кескин совиб кетди. Шунга айтадилар: қишнинг бир куни ҳам қиш, деб.**

# Биз ВИРУСларни кўрмаймиз

## бироқ, улар бизни "яхши кўришади"

Кўпчилик аллақочан қишки кийимлардан воз кечиб, мавсумий енгил устбошларга ҳам ўтиб олганди. Айни мана шундай об-ҳаво ўзгаришлари грипп, коронавирус ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан зарарланиш эҳтимолларини оширади.

Грипп, коронавирус инфекцияси ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекцияларга қарши курашиш бўйича доимий саъй-ҳаракатларга қарамай, улар ҳали ҳам мағлуб бўлмади. Ҳар йили минглаб одамлар грипп асоратларидан вафот этади. Бунинг сабаби шундаки, вируслар, биринчи навбатда, грипп вируслари ва коронавируслар, ўз тузилишини ўзгартириш қобилиятига эга ва мутацияга учраган вирус одамга яна осонгина юқиши мумкин.

Вирус билан зарарланиш кимлар учун энг хавфли, деган саволни кўп беришади. Шуни таъкидлаш керакки, болалар ва қариялар инфекцияни кўтаришлари қийин, касаллик пайтида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ушбу ёш гуруҳлари учун жуда хавфлидир.

Иммун тизими ушбу вирус билан учрашмаганлиги сабабли болалар жиддийроқ касал бўлиб қолишади ҳамда кекса ёшдагилар, шунингдек, сурункали касалликларга чалинган одамлар учун иммунитет заифлашганлиги сабабли ҳам вирус етарлича хавф туғдира олади.



Шулардан келиб чиқиб, хавф гуруҳини мухтасар равишда мана шундай шакллантириш мумкин:

*– болалар;*

*– 60 ёшдан ошганлар;*

*– сурункали ўпка касалликлари (бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив хасталиги)га чалинганлар;*

*– юрак, қон-томир тизимининг сурункали касалликларига чалинганлар (туғма юрак нуқсонлари, юрак томирлари, юрак етишмовчилиги билан оғриганлар)*

*– ҳомиладор аёллар;*

*– тиббиёт ходимлари;*

*– жамоат транспорти, умумий овқатланиш корхоналари ходимлари.*

Ҳар қандай хасталикни даволагандан, албатта, олдини олган афзалдир. Шунинг учун кўпчилигимизга аллақачон ёд бўлиб кетган мана бу профилактика тадбирларига жиддий эътибор қаратиш грипп мавсумида ҳам ниҳоятда муҳимдир:

*– қўлларингизни совун билан тез-тез ва яхшилаб ювинг;*

*– йўталаётган одамлар билан алоқа қилишдан сақланинг;*

*– соғлом турмуш тарзига риоя қилинг (ухлаш, соғлом овқатланиш, жисмоний машқлар);*

*– кўп суюқлик ичинг;*

*– хонани мунтазам равишда шамоллатинг ва намланг;*

*– жамоат жойларида камроқ бўлинг;*

*– жамоат транспортида ёки жамоат жойларида бўлганингизда ниқобдан фойдаланинг;*

*– учрашувларда қучоқлашиб ёки қўл беришиб кўришишдан сақланинг;*

*– ювилмаган қўллар билан юзингизга, кўз ва бурун бўшлиқларига тегинманг.*

Унутмаслигимиз керакки, атрофимизда вируслар бор экан, биз уларга кўникиб, улардан сақланишни ўрганишимиз лозим. Бу жуда оддий. Бунинг учун ижтимоий масофани сақлаш, уйдан ташқарида ниқоб тақиш, шахсий гигиенага риоя қилиш, тиббий маданиятимизни ошириш, соғлом турмуш тарзини ҳаётимизнинг бош тамойилига айлантиришнинг ўзи кифоя.

**Дилфуза ЯРМУҲАМЕДОВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси 1-сон ички касалликлар кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди**

---

# "ГАЗЕТАларни асранг, улар жуда кам..."

Илк ўзбек босма нашри "Тараққий" газетаси ҳисобланади. Унинг илк сони 1906 йил 27 июнда нашр қилинган. "Тараққий"нинг муҳаррири Исмоил Обидий бўлган. Ундан кейин турли йилларда "Нажот", "Шуҳрат", "Осиё", "Самарқанд", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Улуғ Туркистон", "Шўрои Ислом", "Кенгаш", "Ҳуррият", "Эл байроғи", "Бухорои шариф", "Турон" газеталари нашр қилинган.

## Матбуот ва ҳаёт



* * *

Парижда "Туз ва қалампир" номли бор-йўғи икки саҳифадан иборат кундалик нашр қилинади. Ушбу газета махсус сув ўтказмайдиган қоғозга чоп этилади. Кундалик овқат пайтида ҳам ўқиш одатидан воз кечолмайдиганлар учун мўлжаланган. "Туз ва қалампир" ўз ўқувчиларига жаҳонда ва мамлакатда содир бўлаётган энг муҳим воқеаларни, шунингдек, энг қизиқ латифаларни таклиф қилади,

* * *

АҚШда ҳар соатда "Энг сўнгги янгиликлар" газетаси нашр этиларкан. Вашингтон ва Нью-Йорк ўртасида ҳар соатда бўзчининг мокисидек қатнайдиган "Пан Американ" компанияси авиалайнери пассажирлари унинг илк ўқувчилари экан.

* * *

"Ля газет" ҳафтаномаси биринчи сонининг кенглиги икки метр бўлган.

* * *

"Нью-Йорк таймс" қалинлиги ва ҳажми, шунингдек, турли мукофотларга тақдим қилинган журналистлари сони бўйича рекорд натижа қайд этган. Таҳририятда яна шундай ғалати рекорд бор. Унда ишловчи Жорж Мерининг мўйлови 66,5 сантиметрни ташкил қилади.

* * *

Журналист Билл Койленд эса йигирма йилдан буён газетада метеомаълумотларни шеър кўринишида бериб келади.

* * *

"Титаник" фалокати ҳақида хабар тарқатган "Бостон глоб" газетасининг бир нусхаси 1912 йил 12 апрелда 304 долларга сотилган.

* * *

Қоғоз етишмаслиги сабабли "Известия" газетасининг 1921 йил 17 майдаги сони канопдан тўқилган матога чоп этилган. Унда "Газеталарни асранг, улар жуда кам. Ўқиб бўлиб, бошқа бировга беринг!" деган эълон берилган.

* * *

Аёллар учун илк газета 1798 йил Германияда пайдо бўлган. Унинг номи "Фрауэнциммер цайтунг".

* * *

1786 йил "Цайтунг фюр штедте, флеккен унд дёрфер" газетасида илк марта ўқувчи хати нашр қилинган. Кейинчалик аниқланишича, хат муаллифи мазкур газета ноширИ роҳиб Бернс бўлган. У мана шу йўл билан ўз обуначилари сонини оширмоқчи бўлган.

* * *

Пруссия қироли Фридрих II "Агар газетани қизиқарли қилмоқчи бўлсанг, унга ҳукмронлик қилма", деган фикрни айтган. Бироқ, айнан унинг даврида таҳририятларда цензорлар пайдо бўлган.

* * *

1817 йил 4 май куни Германияда "Кельнише цайтунг" газетасининг биринчи саҳифаси бўм-бўш чоп қилинган. Ношир Маркус Дюмон мана шу йўл билан давлат цензурасига ўз қаршилигини билдирган.

* * *

Журналист Майк Воллэс ўзининг 60 йиллик фаолиятининг асосий қисмини CBS телеканалида ўтказган, у 20 марта Emmy Awards мукофотига муносиб кўрилган. Он Дэн Сяопин, Аятолл Хомейн, Курт Вальдхайм, Ёсир Арофат, Анвар Саодат, Владимир Путин, Сальвадор Дали ва Маҳмуд Аҳмадинажотдан интервью олган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди**

---




# АЙБСИЗ "АЙБДОР" ОҚЛАНДИ



Дастлабки тергов вақтида қўйилган айбга кўра, Б. Шоматов 2013 йилнинг 14 августдан 23 август кунига қадар "Муротали" ва "Керовчи" тайёрлов масканларида ёнғин хавфсизлиги чоралари "Пахта тозалаш ва каноп саноати корхоналари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари" талабларига жавоб бермасада, ёнғин хавфсизлиги бўйича аслида кўрилмаган чораларнинг бажарилгани ҳақида тузилган далолатномаларга сохта маълумотлар киритиб, тасдиқлаб бериш эвазига 2013 йилнинг август ойи охирида Пискент туманида жойлашган "Наби ака" чойхонасида овқатланиш учун 170 000 сўм пулни "Пискент пахта тозалаш заводи" директори Ш. Эшқуватовнинг топшириғига кўра, корхона ишчиси Абдуғаффор Маҳмудовга тўлатиш орқали пора тариқасида олган.

Бир қарашда, Б. Шоматовнинг айби борлиги асослидек кўринади. Лекин, бу ҳали ҳаммаси эмас. Чунки, дастлабки тергов органи томонидан эълон қилинган айбловнинг давоми бор. У ўша йили "Пискент пахта тозалаш заводи" ОАЖга қарашли "Муротали" ва "Керовчи" тайёрлов масканларида ёнғин хавфсизлиги чоралари "Пахта тозалаш ва каноп саноати корхоналари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари" талабларига жавоб бермасада, ёнғин хавфсизлиги бўйича аслида кўрилмаган чораларнинг кўрилганлиги ҳақида тузилган далолатномаларга такроран сохта маълумотлар киритиб, тасдиқлаб берганлиги, шунингдек, кейинги мавсумолди текширишларда ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилганлиги бўйича камчиликларни далолатномада кўрсатмаслиги ҳамда текшириш жараёнида сабабсиз муаммо яратмаслиги эвазига 2013 йилнинг октябрь ойида Пискент тумани, Бобур кўчаси, 60-уйда жойлашган Пискент тумани ИИБ ЁХБ биноси қаршисидаги йўл бўйида Ш. Эшқуватовнинг топшириғига кўра корхона ишчиси Абдуғаффор Маҳмудовдан 200 000 сўм пулни пора тариқасида олган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шундай қилиб, биринчи инстанция суди Б. Шоматовни Жиноят кодексининг 210-модда 3-қисми "б" банди ва 209-модда 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топади. У ҳукмдан норози бўлиб, шикоят аризаси ёзади.

Б. Шоматовнинг шикояти Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг кассация инстанциясида кўриб чиқилади. Суд мажлисида Б. Шоматовни айблаш учун бирор-бир асос ёки далил мавжуд эмаслиги маълум бўлади.

Қонунчилигимизга мувофиқ, шахсга айб эълон қилишга фақат объектив далиллар мажмуи асос бўлиши мумкин. Бунда далиллар доираси пора берувчи ва у билан боғлиқ шахсларнинг кўрсатмалари ҳамда айбга иқрорлик кўрсатмаси билан чегараланиб қолмаслиги керак. Шахсни айблаш учун пора предметининг олиниши, қонунлар билан белгиланган тартибда почта-телеграф ва электрон жўнатмалари, аудио ёки видеоёзувлар, телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар аниқланиши каби аниқ мезонлар билан асослантириш лозим. Мазкур жиноят иши ҳужжатларида эса мазкур аниқ мезонлар тартибидаги объектив далиллар бўлмасада Б. Шоматов айбли деб топилган.

Шу боис, судланган Б. Шоматов ҳамда унинг адвокати А.Кенжаевнинг кассация шикоятида дастлабки тергов ҳаракатлари бир томонлама, қонун нормаларига зид равишда олиб борилган, биринчи инстанция судида ҳам ушбу ҳолатларни тўлиқ ўрганмасдан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида назарда тутилган "иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак", деган талаблари бажарилмаган деган важлари асосли кўринади.

Кассация инстанцияси суди мажлисида Б. Шоматов ўзига қўйилган айбловга умуман иқрор бўлмай, ҳеч қачон А. Маҳмудовдан 200.000 сўм олмаганини айтди.

Шундай қилиб, адолат қарор топди. Ноҳақ айбланган ички ишлар ходими суд томонидан оқланди. Сўзимиз якунида айтмоқчимизки, оқланган Б. Шоматовнинг қувончи, адолат тантана қилганини эшитган кишининг суд идораларига ишончи ортди.

**Дилшод ИЗЗАТОВ,**
**вилоят суди судьяси,**

**Абдусалим МАҲМУДОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**

---

**Тошкент шаҳрининг қадимий 12 та дарвозасини қайта тиклаш ва туризм масканига айлантириш борасидаги таклиф давлат дастурига алоҳида банд тариқасида киритилган. Маълумотларга кўра, ушбу дарвозалар тарихий ўринларида қайта тикланади ва уларнинг жойлашуви, кўриниши, тарихи тўғрисидаги маълумотларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият вазирлиги ва Фанлар академияси шакллантиради. Дарвозалар тарихий ўринларида қайта тикланадиган бўлса, уларнинг ўрни қаерда, деган савол юзага келади.**




# ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

## ёхуд Тошкентнинг ўн икки дарвозаси

Маълумот учун, Тошкентни мудофаа қилиш мақсадида XVIII асрда унинг атрофи девор билан ўраб олинган ва 12 томонидан Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар каби дарвозалар мавжуд бўлиб, бу дарвозалар шомда ёпилиб, тонгга қадар бирорта ҳам одам шаҳардан чиқарилмаган ҳам, киритилмаган ҳам. Ҳатто, тарихий асарларда келтирилишича, хонларнинг ўзини ҳам баъзан киритмаслик ҳолатлари учраб турган. Бу дарвозаларнинг айримларининг ўринлари ҳозир ҳам аҳолига Лабзак, Қорасарой, Бешёғоч, Кўкча, Камолон, Қашқар, Самарқанд дарвоза номлари билан бегона эмас.

Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймас каби дарвозалар ҳудуднинг шарқ томонидан кейинчалик шаҳарга қўшиб олинган қисмига қурилган, баъзиларининг эса, кейинчалик ўрни сурилиши уларнинг номи ўзгаришига олиб келган.

XV-XVI асрларда Тошкент хони ўрдасини Бешёғоч даҳасининг ҳозирги "Қоратош" маҳалласи ўрнига кўчириши натижасида бу ерда жанубга олиб борадиган дарвоза барпо этилади ва бу дарвозанинг ўрнида ўтган асрнинг 70-йилларида Бешёғоч майдони барпо бўлади.

Камолон дарвозасининг жойлашуви Бешёғоч даҳасида, Бешёғоч ва Самарқанд дарвозалари оралиғида, "Камолон" маҳалласи ҳудудига тўғри келади. Номи ҳам шундан келиб чиққан.

Бешёғоч даҳасининг қадимий дарвозаларидан яна бири бу Самарқанд дарвозасидир. Бу дарвоза Камолон ва Кўкча дарвозалари оралиғида, Самарқанд йўлида бўлиб, унинг давоми Чилонзор туманидаги Қатортол кўчаси ҳисобланади ва у маҳаллада буюк адиб Абдулла Қодирий яшаган.

Шайхонтоҳур дарвозаси Шайхонтоҳур қабристони атрофида, тахминан А. Навоий ва Б. Зокиров номидаги кўчалар кесишувида жойлашган. XVII асрнинг иккинчи ярмида шаҳар ҳокими Юнусхўжа ҳукмронлиги даврида дарвоза Тошкентнинг тўртинчи ўрдаси қурилиши муносабати билан Анҳор каналининг ўнг тарафида, тахминан ҳозирги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги биноси яқинида ўрнатилган. Номи Шайхонтоҳурлигича қолган.

Тошкентнинг яна бир дарвозаси Қашқар эса, Қўқон ва Лабзак дарвозалари оралиғида ҳозирги А. Навоий кўчасининг Буюк Турон кўчаси билан кесишган жойида бўлган, дейилади.

Ўзининг безаклари ва ҳашамати жиҳатидан ажралиб турадиган дарвозалардан бири бу Қўқон дарвозаси бўлган. Ушбу дарвозанинг жойлашуви Қашқар ва Қўймас дарвозалари оралиғида, ҳозирги Ўзбекистон ва Буюк Турон кўчалари кесишмасида жойлашган.

Қўймас дарвозаси Қўқон хони ўрдаси билан Бешёғоч дарвозалари оралиқ қисмида, Анҳорнинг чап томонига тўғри келади.

Аниқ жойлашуви маълум бўлган дарвозалардан яна бири бу Кўкча дарвозаси ҳисобланади. Кўкча дарвозасининг ҳозирги ўрни М.Уйғур кўчасига тўғри келади. Кўкча даҳасида яна Сағбон ва Чиғатой дарвозалари бўлган.

1865 йил июнь ойида қизил империя томонидан Тошкент босиб олингач, 12 дарвозанинг рамзий калитлари шошилинч ясаттирилиб, Черняевга топширилган. Калитлар 1933 йилнинг 14 июнига келиб Ўзбекистонга қайтариб берилган. Ҳозирда бу калитларнинг 11 таси Ўзбекистон Республикаси марказий банкида, биттаси эса Ўзбекистон халқлари музейида кўргазмага қўйилган.

**Манбалар асосида ЎзЖОКУ талабаси**
**Нодир ҚУЛМАТОВ тайёрлади**

## “Астрономик” суҳбат



**У бир умр мактабда ўқувчиларга физика фанидан дарс берди. Шу боис, ўқитувчи Ориф ака, дейишса бас, бу инсонни Пискентда ҳамма танийди. У муаллимгина эмас, яхши ижодкор ҳамдир. Матбуот саҳифаларида оригинал мавзулардаги мақолалари, “Ориф Бискандий” деган тахаллус билан шеър ва ғазаллари ҳам тез-тез чиқиб туради.**

# ЎТТИЗИНЧИ ФЕВРАЛДА... ТУҒИЛГАН МУАЛЛИМ




Ориф ҳожи Обидов “Ўрта аср Шарқи олимларининг физик қарашлари” мавзуида ёзилган бир нечта илмий монографияларнинг муаллифи. Ўтган йили унинг илк китоби чоп этилди. Аммо, энг қизиғи, ушбу назмий гулдастани тайёрлаб чиқаришга бизга ўхшаш бирор қаламкаш, ношир ёки журналист эмас, таниқли санъаткор, тарих фанлари доктори Ҳожиакбар Ҳамидов бош бўлди. Шу китоб баҳона фахрий муаллим билан бир “астрономик” суҳбат қилишга қарор қилдик.

**– Ориф ака, тенгқурларингиздан бири Сизни “Ориф ҳожи 30 февралда туғилган” деди. Нимага шама қилганини тушунмадим...**

– Бир даврада уларга февраль ойининг 30 кунлик бўлиши ҳақидаги маълумотни айтиб берган эдим.

**– Шундай бўлиши мумкинми?**

– Ҳа. Ҳозирги календаримиз ҳам айрим хатолардан соқит бўлмагани ҳолда Умар Хайём ҳисоби бўйича 4500 йилда хатоликлар йиғилиб, 24 соатга, яъни, бир кеча-кундузга ортар экан. Демак, ўша вақтгача ҳар кабиса йилларда февраль ойи 29 кунлик бўлиб, 4500 йилликдаги февраль ойи 30 кунлик бўлиши табиийдир.

Биласизми, Наврўз ва унинг неча ёшда эканлиги ҳам турлича тавсифланади. Она замин пайдо бўлганидан бери унинг Қуёш атрофида айланишидан, Қуёшнинг босиб ўтган эклиптика чизиғи олам экваторини азалдан 21 март куни кесиб ўтаверишидан Наврўзни азалий, деб атаймиз.

Қуёш олам экваторини яна 23 сентябрда кесиб, унинг пастига ўтади. Бу кунни Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сида эронликлар: “Худо Фаридддунга ёрдам бериш учун фаришталарни Ерга туширган “Меҳржон” кунидир”, деб байрам қилишган.

**– Маълумки, 22 декабрь энг қисқа кун ва энг узун тун бўлганлиги сабабли Ер уйқуга кетади. 25 декабрдан 5 февралгача эса қирқ кунлик қиш чилласи. Адашмасам, чилладан кейин бўладиган табиатдаги ўзгаришлар ҳақида бир мақолангизда қизиқарли маълумотлар ёзгандингиз...**

– Тўғри, чилладан кейин Қуёшдан Ерга илиқлик туша бошлайди. Бу илиқлик Қуёшнинг суткасига ўн карра, яъни, ҳар икки соату 20 минутда бир марта “нафас олиш” чоғида унинг массаси ҳаракат тезлиги ҳар сонияда икки метрдан силжишидир. 7 февралда кундузи биринчи, 14 февралда иккинчи, 21 февралда учинчи илиқлик тушиб, аввал ер, кейин сув илийди ва шу кунлардан дарахтлар танасига сув юра бошлайди. Бу илиқликни араблар “илиқлик пуфланиб кучайтирилди” деганлар, эронликлар эса “ёз қўлини сувга тиқди”, дейишган.

21 февралдан ер сиртидан буғлар кўтарила бошлайди. Агар қор ёғса ҳам тез эриб кетади. Дарахтларда аста-секин куртаклар бўртади. Бироқ, 26 февралдан 3 мартгача “қишнинг кампири”, яъни, “айём ажуз” дейилиб, тўрт томондан эсувчи бўронли шамол билан лайлак қор ёғади. Бу кунларнинг ҳам ўз номи бор.

Шунингдек, 28 мартгача кучли ва ўртача тезликдаги шамоллар билан ёмғир, баъзида “ўрик гули” қорлари ёғиб, бу оралиқда қисқа муддатли “ҳут-ют”, “аҳмон-даҳмон”, “содди-пок” каби шамолли кунлар билан Ер уйғона бошлайди.

**– Домла, Ҳожиакбар Ҳамидовнинг “Пискентнинг маърифатпарвар, серқирра ижодкор фарзанди”, деган китобида сизнинг шеъру ғазалларингиздан ташқари туманнинг тарихи, табаррук қадамжолари, шу гўшада туғилиб, улуғ ишлари билан эл-юртга танилган шахслар хусусида ҳам кўплаб маълумотлар баён этилган экан. Бу йил ижодий ишларингизни давом эттирасизми?**

– Насиб этса, келгусида астрономияга ва табиат билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга қизиқувчилар учун бир асар ёзиш ниятим бор.

**Суҳбатдош:**
**Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ**

# Кўзгудаги чанглар

Шаҳримизда биринчи кутубхона 1946 йилда собиқ “Соцгород” посёлкасида 5 минг китоб фонди билан ташкил этилган экан. Ўтган асрнинг 60 йилларида шаҳримизда 9 та кутубхона мавжуд бўлган. 1977 йилда улар марказлаштирилган кутубхона тизимига бирлаштирилди ва унга узоқ йиллар жонкуяр раҳбар Галина Костарева директорлик қилди. Мустақилликдан кейин кутубхонамиз бир муддат турли муассасалар таркибида ва турли мақомларда фаолият кўрсатди.



Шу ўринда таъкидлаб ўтишим керакки, АКМ учун шаҳардаги энг яхши жой танланган: кенг, ёруғ, қулай, гавжум. Бундан хурсандмиз.

Энг оғриқли нуқтамиз эса бино таъмирининг охирига етказилмагани. Таъмир ишлари 2019 йилнинг ноябрь ойида бошланган эди. Аммо, бошлашга бошландию... тўхтаб қолди. 2020 йил мобайнида бирон иш қилинмади.

2019 йилнинг авжи қиш палласини эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Бутун бино остин-устин бўлган, жиҳозлару қурилиш моллари аралашиб ётибди. Энг ачинарлиси, бебаҳо хазина бўлган китоблар оёқости бўлиб кетаёзди. Совуқ кунларда таъмири ярим йўлда ташлаб қўйилган кутубхона билан ҳайрону паришон бўлиб қолиб кетдик.

Бундай “таъмир”дан кейин на аввалги: эски бўлса ҳам ишлашга яроқли бино, на янги: барча шароитлари мавжуд бино қолди. Аросатдаги кунларда жамоамиз ўз фидойилиги ва меҳнатсеварлигини намойиш этди. Ҳеч кимнинг даъвати ёки қистовисиз барча ходимлар баҳоли қудрат маблағ йиғиб, кўриниши харобага яқинлашиб қолган бинони обод эта бошладик. Кутубхона эшиклари ва ойнаванд деворлари олиб ташлангани учун бирин кетин тунги навбатчиликлар жорий қилдик. Шу ўринда, барча аёл ходималаримиз, уларнинг турмуш ўртоқлари ва оила аъзоларига ташаккур билдираман. Шундай зиё масканининг абгор ҳолга келиб қолгани учун ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонлари олдида уялдик.

Ўз кучимиз билан бир амаллаб иккита ўқув, битта хизмат кўрсатиш залини ишга туширдик. Кўчма кутубхоналар ташкил қилдик. Ахир, 10 мингдан кўпроқ китобхонимиз бор-а.

Ҳозирги кунда таниқли адиб ва шоирлар, маънавият ва маърифат тарғиботчилари марказимизда ижодий учрашув ва суҳбатлар ўтказиш таклифини билдирмоқда. Лекин...

Ахборот кутубхона маркази – шаҳар маънавий ҳаётининг кўзгуси. Афсуслар бўлсинки, ўтган бир йилдан зиёд вақт мобайнида мана шу кўзгудаги чангларни тозалашга бирон масъулнинг ҳаракат қилганини кўрмадик. Шундай бўлса ҳам ҳали умидимиз сўнмади. Шаҳримиздаги бунёдкорлик ишларини кузата туриб, яқин орада биномиз ҳам стандарт талабларига жавоб берадиган АКМга айланишига умидвормиз. Агар масъуллар шароитимизни яхшилаб берса, Ангрен тарихига оид ёзма манбалар бўлимини очишни ният қилиб қўйдик. Ҳозир “Ангрендаги энг биринчи...” туркумидаги маълумотларни йиғиш ишлари жадал давом этмоқда.

Бу йил Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги ҳамда Ангрен шаҳрининг 75 йиллигини кенг нишонлаймиз. Мана, шундай улуғ айём арафасида шаҳримиз меҳмонлари олдида уялиб қолмаймиз, деган умиддамиз.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

**Гулбаҳор САФАРОВА,**
**Ангрен Ахборот-кутубхона маркази директори**

# СПОРТ янгиликлари



## Навбатдаги ғалаба

**Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпиони Шаҳобиддин Зоиров Болгариядаги халқаро турнирда рингга кўтарилди.**



52 кг. вазнли боксчимизга чорак финалда америкалик Энтони Эррерага тўқнаш келди. Жанг тўлиқ давом этди ва якунда ғолиб очколар бўйича аниқланди. Унда ҳамюртимиз 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Энди Шаҳобиддин финал йўлланмаси учун ҳиндистонлик Дипак Кумарга қарши рингга кўтарилади.

## “ОКМК” дуранг ўйнади

**Ўз олдига жиддий мақсадларни қўйган Олмалиқнинг “ОКМК” жамоаси Анталияда йиғин доирасида навбатдаги назорат беллашувини Беларуснинг "Торпедо Белаз" жамоасига қарши ўтказди.**



Баҳснинг биринчи бўлими олмалиқликлар устунлигида ўтган бўлса, иккинчи таймда рақиблар кучли ўйнашди.

“Кончилар”дан голларга Александр Касьян ва Ҳусниддин Ғофуровлар муаллифлик қилишди.

Шу тариқа “ОКМК” Анталиядаги тўртинчи ўйинини дуранг билан якунлади.

## Нурсултон октагонга чиқади

**11 март куни Баҳрайнда ММА бўйича BRAVEFC 47 турнири ташкил этилади.**

Ушбу мусобақа доирасида ўзбекистонлик аралаш қоидалар жангчиси Нурсултон Рўзибоев ҳам октагонга кўтарилади. Ўша куни ҳамюртимизга UFCнинг собиқ жангчиси Андреас Стал рақиблик қилиши кутилмоқда.




**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

# ТОПГАНИНГИЗ ҲАЛОЛ, ЙИГИТЛАР!

## Хизмат

**"Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖнинг ёзишича, корхона ходимлари тоғли ҳудудлардаги қорли вазиятга қарамай, бир зум ҳам ишни тўхтатишмади. Хусусан, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманлари электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари шундай изғиринли қиш ҳавосида аҳолини уйлари ёруғ ва иссиқ бўлиши учун тинмай меҳнат қилишмоқда.**

*Таъкидлаш жоизки, Чирчиқ шаҳрининг 25-маҳалла, “Тўқай”, “Миралишер” маҳаллаларида жорий йилда кўпгина амалий ишлар, шу жумладан, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жадал олиб борилди. Эскирган симёғочлар янги темирбетон устунларга алмаштирилди, СИБ кабеллар тортилди. Шунингдек, ортиқча зўриқиш билан ишлаётган трансформаторларни юқори кувватлиларига алмаштириш чоралари кўрилмоқда.*



## Фармонбибига мактуб

*Қадрли Фармон буви, бизнинг замонда бўлаётган айрим ҳодисаларга ечим топа олмай сизга мактуб ёзмоққа киришдим. Бугун замонамизнинг айрим кишилари аршни титратишдан, гўдакларни қон йиғлатишдан қўрқмай қўйдилар. “Яхши” оналар офат келиндан ёзғиради, “уддабурон” қизлар она бўлолмайдиган “душман”га йўлиққанидан дод солади. Статистика маълумотларига кўра, юртимизда оилавий ажримлар ўтган йилга нисбатан 20 фоизга кўпайган. Надоматлар бўлгайким, ажримларнинг учдан икки қисмига қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчилик сабаб бўлган. Қарс икки қўлдан чиқади, дейишади – баъзан бир қўл билан урилган стол зарбидан қулоқ қоматга, асаб жунбишга келади...*

# ҚЎЗҒОЛОН НАВБАТИ ҚАЙНОНАЛАРГАМИ?

Бугун замон ростдан ҳам тескари айланаётгандга ўхшайди. Кўчада қиз кўп, келин қилишга келганда хунобингиз ошади. Не орзу умидлар билан тўй қилсангизу чекингизга тушгани куйдирги бўлса, ундан ёмони йўқ.

Яқинда маҳалла идорасига иш билан боргандим. Бир аёл келинининг дастидан додлади. Қараб турсам, танишим ҳақида гапираётган экан. Ўрта таълимни тугатиб, оила қурганди. Куёв боланинг шароити у даражада яхши эмас, оиласи баъзи моддий жиҳатларни қабул қилолмас ҳолатда эди. Тўйдан сўнг келиннинг кийиниши бирор ой эл оғзидан тушмади: "Шундай шароитда ҳам қимматбаҳо кийимлар киядия, ундан кўра, бирини икки қилса бўлмайдими", дейишди... Сўнгги русумдаги телефонни хотинига олиб берган ўғилнинг маоши кредит тўлашга, қайнотанинг пули тўй қарзларини узишга кетарди. Иложи бўлмагач, қайнона бир муддатга Россияга ишлагани кетди. Келин қайнота ва қайнисини ташлаб, кўп қаватли уйда – ижарада яшашга иштиёқманд бўлиб қолди. Рўзғорнинг ғорини тўлдиролмаган куёвбола ҳам онасининг ортидан ўзга юртга жўнади. Орадан вақтлар ўтди. Уйга жажжи меҳмон келди. Чақалоқ туғилмасдан ишлагани четга кетган ота карантинда роса сарсон бўлиб, охир қайтганида қизалоқ юришни бошлаганди. Келин қайнонаси ва эрининг Россиядан келишини она уйида кутди, тўғрироғи умуман кутмади. Уни фақат юбориладиган пуллар қизиқтирарди. Ҳозир эса оила нафақат ажралиш арафасида, балки бутунлай пароканда бўлган. Қайнота бирор марта чой дамлаб узатмаган, фақат “модный” кийиниб, кўчадан бери келмайдиган келинига ва четга ишлагани кетган аёлига жаҳл қилиб, бошқасига уйланибди...



– Бугун қайноналар келинидан нима кутади, биласизми, – дейди исмини ошкор қилишни истамаган қайнона. – Ширин муомала, тартибли уй, пазандалик, фаросат. Яна “интернетга қул” бўлмасин.

Бу аёл келинига нега бунча кўп интернетга қарайсан деса, келини: “Овқат қилишни ўрганаяпман, ёмонми?!” дея жавоб қайтарганмиш. Замонавий келинга катталар томонидан уятли киноя айтилди: 22 ёшинггача нимани ўргандинг?!

Яна кузатувларимизга кўра, ажримларга учинчи шахсларнинг аралашуви, иқтисодий етишмовчилик сабаб бўлаяпти. Учинчи шахс – қайноналардир. Психолог Вилоят Давлетова бир ҳолатни мисол келтиради. Олмалиқ шаҳрида келиннинг пластик карточкасини олиб қўйиш урф экан. Пулсиз, иложсиз қолган аёл эридан йўлкирага пул сўраса, онамдан ол деган. Қайнона: “Ишламанг”, деган кесатиқ гаплар билан пул бермаган. Охири келин ўз отасидан пул сўрашга мажбур бўлган. Бу ҳолдан уялиб, мунтазам пул сўрашга ботина олмай, ишга ва уйга пиёда қатнаган. Ҳам келинлик хизмати, ҳам пиёда юриб, ишга доим кечикиб борган. Ишхонада тартиб-қоида бор. Натижада, келин охирги илинжи – ишини йўқотишдан қўрқиб, ўз жонига қасд қилган...

Бувижон, сизнинг даврингизда ярашитирувчи идоралар бўлмаган, у даврнинг Фармонбибию Анзират бувилари бор эди. Бугун ҳатто қўшнимизнинг ҳаёти бизга қизиқмас.

Шу ўринда яна бир мисол келтираман: Олмалиқ шаҳар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси Саодат Мирзаиpraванинг айтишича, аксарият ёшлар ажримни тўхтатишга ўзида куч тополмайди. Шунда ташкилот уларга яна бир имкон берилишини тушунтиради. Олмалиқ шаҳрида 2019 йил 268 та ажрим бўлган, 2020 йилда бу рақам 185 тага камайибди. Аммо, кўп ҳолатларда катталар, қон-қариндошлар ёшларнинг ишига аралашишдан ўзларини олиб қочяпти. Айрим ёшларку, умуман муросага келишни истамайди, насиҳатингизни “бир тийинга” ҳам олмайди.

Сиз етти келинга бош бўлдингиз, оиланинг мустаҳкамлиги, сир-асрорлари ҳақида барини билар эдингиз. Рўзғорхонанинг калитини нимчангизнинг тугмасида сақлардингиз, баъзан бир оз ошириб юборганингизда ҳам келинларингиз тизгиндан чиққани йўқ. Қақилдоқ Нигора ҳам қайнона нақадар керак эканлигини англади. Бирор фарзандингиз оиласи ажралиш ёқасига келмади. Сизга айтсам, ўтган йилда вилоятимизда 26 минг 147 та никоҳ қайд этилибди. Бу рақамни эшитиб, нақадар яхши дерсиз. Аммо, ажрашган оилалар ҳақида эшитсангиз борми, «Эй, уста Боқи-ей!», деб юборасиз. Вилоят бўйича 2020 йилнинг ўзида 2 минг 959 та ажрим бўлибди. Бунинг оқибатида қанча бегуноҳ гўдаклар қон йиғлади...

Сизга хат ёзишимдан мақсад – ҳар бир оила қўрғони пўлатдай мустаҳкам бўлсин, Сиздек тартибни ушлай оладиган қайноналар кўпайсин, ёшлар ғафлатдан уйғонсин, фарзандлар тирик етим бўлмасин.

Ҳурмат билан:
**Мадина АБДУСАМАТОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳих Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Жавлон ХАЛИЛОВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-235. 4 789 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.00 1 2 3 4 5 6